

ИБРОҲИМ РАҲИМ

# ҚАДРИАБАД ОДАМЛАР




# ИБРОҲИМ РАҲИМ ҚАДРИАБАД ОДАМЛАР

(ОЧЕРКЛАР ВА ПУБЛИЦИСТИКА)



ТОШКЕНТ  
«УЗБЕКИСТОН»  
1979



**Р 33 Раҳим Иброҳим.**

Қадриабод одамлар: (Очерклар ва публицистика).— Т. «Ўзбекистон», 1979. 259б.

Атоқли адиб, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ҳеч қачон ижодий тинишни билмаган, республикамиз ва дунёни кезишдан чарчамаган, замон ташвишлари билан яшайдиган, давримизнинг актуал муаммоларини ҳозиржавоблик билан куйлайдиган серқирра, жаҳонгашта ижодкордир. Муҳтарам китобхон севимли ёзувчимизнинг қатор қисса ва романлари билан таниш. Мазкур китобга эса, ёзувчининг сўнгги беш йилликлар даврида энг жанговар жанр—очерк ва публицистика жанридаги ижоди намуналари киритилган.

Китоб қаҳрамонларининг кўпчилиги ҳаммамизга таниш бўлиши табиий. Ҳа, булар бизнинг замондошларимиз, ўзларининг эркин, ибратли меҳнатлари билан қадрларини, демакки, давр ва инсон қадрини абадий қилган замондошларимиздир.

**Раҳим Ибрагим. Гвардейцы времени. Очерки и публицистика.**

ББК 83.3Ўз  
8Ўз

Р  $\frac{11302\ 335}{М\ 351(04)79}$  79—0802010203

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1979 й.

## МУАЛЛИФДАН

Қадрли китобхон!

Сизнинг ўткир дид ва талабчан ҳукмингизга ҳавола қилинаётган ушбу китобни «Қадриабод одамлар» деб атадим. Маълумки, дунёда ҳозир тўрт ярим миллиард одам яшайди. Сиртдан қараганда ҳамма одам ҳам шаклан бир хилдай кўринади: бир бош, икки кўз, иккитадан қўл, оёқ ҳаммада ҳам бор. Аммо шу тўрт ярим миллиард одам инсоний хосияти ва хусусиятлари жиҳатидан ҳар бири ўзгача дунё, якка-якка шахс.

Одамни одамдан ажратиб турадиган қудрат — унинг қалби. Мардлик, жасорат, матонат ҳам қалб амрининг меваси, номардлик, қаллоблик ҳам шахснинг қаллоб қалбига боғлиқ.

Ушбу китоб қаҳрамонлари сиртдан кўплар қатори, ҳуқуқан ҳаммага тенг, оддий замондешларимиз бўлиб, қалбан нодир, руҳан юксак ҳазрати инсонлардир. Улар ўзлари учун ҳамда бошқалар учун бахт яратган ва яратаётган, бинобарин, эл-юртда умрбод қадр топган ва топаётган қадриабод одамлардир.

Ватан мудофаасида, социалистик қурилиш фронтларида ҳаммага ўрнак бўлиб яшаган уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, колхоз қурилиши ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Раҳмонов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимов ва унинг жанговар дўстлари ана шундай

одамлар эдилар. Уларнинг қадри эл-юртда абадий-дир. Уларнинг ишини шогирдлари давом эттираётгани ҳам уша абадийлик нишонасидир.

Китобдаги икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Турсуной Охунова ҳақидаги очерк унинг жасорати туғилиши даврида ёзилган эди. Турсуной ўшанда қишлоқ аёллари орасида бошлаган ҳаракат ҳозир катта қудратли кучга айланди, минглаб турсунойчилар етишиб чиқди.

Қадриабад одамлар қаторига биродарлар даласида ишлаётган кишиларни — мелиораторларни ҳам қўшиб гапиргим келади. Улар Совет даврида ўз юртларида орттирган тажрибаларини қардош халқлар билан баҳам кўрмоқдалар, ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришга ёрдам бериш билан коммунизм мул-кўлчилигига ҳисса қўшмоқдалар. Бу жабҳада улар катта қийинчиликларни енгиб, кўрсатаётган жасорат ҳам нодир қалбли кишиларнинг хосияти ва хусусиятидир.

Қалби дарё замондошларимизнинг оламшумул хосияти ва совет кишиларига хос хусусияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китобдан ҳурматли ўқувчим заррача маънавий манфаат кўрса бошим осмонга етарди.



## БИРОДАРЛАР ЕРИДА ҲАШАР

### ЎТМИШДА ВА ҲОЗИР

Ҳашар нима?

Бу саволга бизда етти ёшдан етмиш ёшгача, ҳамма: «Бу — меҳнат байрами!» деб жавоб бериши турган гап... Ҳақиқатан ҳам ҳашар бизда Меҳнат байрами, мисоли бир катта тантана! Қурилиш майдонларида ҳамма сидқидилдан иш қиладиган ҳазил-мутоибага тўлиқ меҳнат тантанаси, халқ анъанаси. Масалан, бизнинг қишлоқда бувамнинг уйлари ҳашар билан қурилгани эсимда. Қолхозимиздаги адр ерларга ҳам ҳашар йўли билан канал қазилиб сув чиқарилган. Мен ўқиган қишлоқ мактабини қуришда бутун қишлоқ: каттаю-кичик, кексаю-ёш иштирок этган...

Ҳашар бизда янгилик эмас, минг йиллар муқаддам ҳам қишлоқларимизда; «Ёппасига ҳашар!» «Ҳамма ҳашарго... ов!» деган овозлар янграгани халқ дostonларидан маълум. Бу ўринда фақат шуни айтиш керакки, шу кунларгача, қанчадан-қанча халқ урф-одатлари эскириб, йўқолиб кетган бўлса ҳам ҳашар ҳамон яшаб келмоқда.

Яна денг тобора янгича мазмун кашф этиб аҳамияти ортиб борапти. Хўш, бунинг сиринима-да? Нима учун шундай?

Маълумки ҳар бир нарсанинг ўзига хос таомили, тарихи бор. Шунингдек, ҳашарнинг ҳам... Қадимги замонларда ҳашар сўзининг маъно доираси тор бўлган. Ўзи ҳам ота-боболаримизнинг муҳтожлигидан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Феодализм нақли билан айтганда ҳашар меҳнаткаш — ялангоёқларнинг оқилона ўйлаб топган давр кашфиёти. Бунга ҳеч ким шак келтирмаса керак. Ахир ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Эрта тонгдан то қора кечгача бой-руҳонийлар ерида ишлаб тинкаси қуриган ночор деҳқон лойдан девор тиклаб ўзига бошпана қуриб олишга қодирмиди? Йўқ, қурби етмасди. Қўшнилари, маҳалла-куй тўпланишиб кўпдан қуён қочиб қутилмас қабилида гуваладан, сомонсувоқ бўлса-да, баҳоли-қудрат уй қуришган. Коллектив меҳнатининг ана шу кўринишини, аждодларимиз ҳашар деб аташган...

Бугунги кунга келиб, ҳашар ҳам ўз эътибори, миқёси жиҳатидан бутунлай ўзгача аҳамият касб этмоқда. Ҳозир бутунлай бошқача замон, техника асри, қолаверса, одамлар ҳам бошқача; бири ишчи, бири колхозчи, хизматчи, олим, ҳашар йўли билан уй, кўприклар қуришга эҳтиёж йўқ, ҳашар нимаси дегувчилар ҳам орамизда топилади. Сиз ҳам: колхоз, давлат уйни қуриб калитни меҳнаткаш қўлига тутқазиб; «Марҳамат истаганча туринг, яшанг, роҳат қилинг» демоқда. Шундай экан бу замонда ҳашарга на ҳожат дейишингиз мумкин.

Утмишда меҳнаткашлар жонига аро бўлган ҳашар йўли билан, аждодларимиз қўли билан қурилган бирон-бир иншоот, меъморлик ёдгорликлари қолдимми? Йўқ! Сабаби гуваладан, лойсувоқ қилиб қурилган пастак томларнинг қишлоқларимизда ҳозир қурилган, қуриляётган ғиштин биноларимиз олдида умри жуда-жуда қисқа бўлганлигида. Ҳозирги уйларни бир маҳалла одамлари ҳашар йўли билан қуришлари ҳам қийин. Сувиға, газига, электрига, архитектурасига қилни қирққа ёрадиган уста, мутахассислар керак. Инженерлар иштирокисиз қуриб бўлмайди. Тараққийёт, техника, ишлаб чиқариш технологияси халқнинг бу анъанасига шунчалик зид бўлса, яна ҳашар ҳақида гапми дерсиз.

Лекин, гап фақат иқтисодий манфаатдорликдагина эмас. Одамлар онгининг ўсишида, коллективизм руҳида тарбиялашда, ҳамкорликка, бир ёқадан бош чиқаришга ўргатишда доно халқимиз ўйлаб топган ҳашарнинг аҳа-

мияти ҳақида... Ҳашар ўз даврида ҳақиқий ахлоқ кодекси ролини ўтаган: бойларнинг олтинидан, феодализмнинг зулмидан бирлашган меҳнаткашнинг қудрати кучли эканини амалда кўрсатган. Коллектив куч ҳар қандай капиталдан кучли эканини халқ ана шу анъана ёрдамида кўрди, тушуниб етди...

Ана шунинг учун ҳам мана бир неча ўн йиллардан буён коллектив ҳаётимизда ҳам ҳашар ўз мавқеини йўқотмай келяпти. Колхоз-совхозда ҳам, завод ва қурилиш майдонларида ҳам ҳашар шаклан эскича бўлса-да, янгича мазмун касб этмоқда. Ҳашар ҳақида одамлар фикри турлича. Аммо, ҳашар нима, деган саволга берилган бир суҳбатдаги содда, тушунарли, замонавий бир жавоб менда ўзгача, жуда катта таассурот қолдирди.

Бизда «қари билганни пари билмас» деган ажойиб гап бор. Маълумки, Фарғона водийсида, қадимий Самарқандда, ҳатто Тошкентда икки юз, уч юз йиллик чинорлар кўп. Кексалар умрини чинорга қиёс этишимизда ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Масалан, рўпарамдаги суҳбатдошимнинг ёшлари бўлса олтмишда бордир. Бироқ, Мирзачўлдаги чинору дарахтлардан у кишининг ёшлари улуғ.

— Болалар еттита, бориға барака,—деб гап бошлади у киши,—Раҳматим — БАМ да, Фарҳод ўғлим — КаМАЗ деган жойда, Манзура қизим Қирғизистонда болалар доктори. Азиз, Ҳамид, Шукуржонлар бағри кенг Россияда...

— Нима?— Отахондан сўрадим,— БАМ, КаМАЗ Россияда эмасми?

— Россияда!— деди уй эгаси менга маънодор тикилиб,—Азиз, Ҳамид, Шукурлар бутунлай россиялик, Ноқоратупроқ зонасида. У жойда катта ва машаққатли иш ўзига етарли... Очилмаган қўриқни биринчи очиш, бу қийин ва жуда катта савобли иш, ўғлим...

— Демак, бир ўзингиз қолибсиз-да, отахон,— дедим ачиниш оҳангида,— ўғилларингиз, қизингиз ҳаммаси учирма бўлиб, турли томонга кетишиб бир ўзингиз...

— Нега ундай дейсиз, меҳмон? Уйимиз тўла. Москвалик инженер, Тбилисидан келган тренер, ленинградлик студентлар ҳаммаси ўз фарзандларимдек. Бағримиз тўла, уйимиз ҳувиллаб қолгани йўқ. Мирзачўлга бизга ёрдамга — ҳашарга турли юртлардан билимдон мутахассислар келишса-ю, биз уларни меҳмонхоналарда ёт-

қизиб қўямизми? Йўқ — улар бизнинг уйда, худди ўз уйидек бемалол туриштипти!

Мана, сизга халқ одагининг маъноли таомили. Мирзачўлдан, Ўзбекистондан Ноқоратупроқ ўлка ерлари уч минг километр олисда. У ўз ўтмиши, бағри кенглиги, ўз келажаги билан беқиёс бир улуг ўлка. 1974 йил баҳорида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида келажакда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди ва ҳукуматимизнинг бу даъватига бутун мамлакат зўр эътибор билан қаради. Бу улкан қурилиш ҳашарига Ўзбекистонликлар биринчилар сафида боришди. Асосан қўриқ ерларни ўзлаштиришда бой тажриба эгалари бўлмиш — мелиораторларимиз байроқдор бўлишди. Ноқоратупроқ зонада улар асосий мутахассис, қисқа қилиб айтганда «олтин фонд» одамлари ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистондан борган биринчи отряд вакиллари асосан мелиоратор, қурувчи ва транспортчилардан иборат эди. Улар саёҳатга эмас, Россиядаги бу улкан ишда энг қийин ва мураккаб ишларни бажаришга келишганини намойиш этишмоқда. Ахир, ўнинчи беш йилликда Новгород ва Иваново областларининг Ноқоратупроқ зона ерларида икки юз миллион сўмлик иш бажарилиши керак. Жумладан юз минг гектар янги экинзор ерлар ўзлаштирилиб, ўз кўрки, камоли билан энг замонавий бўлган ўнта совхоз барпо этилиши керак. Ана шундай катта ишга муносиб улуш қўшиш ниятида ҳамюртларимиз астойдил ва мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ноқоратупроқ зона ўзлаштирилишига отланган мелиораторларимизнинг дастлабки отряди ташаббусини тўла қувватлаб, қизгин маъқуллаган эди. Уларни жўнатишга бағишланган тантанали митингда нутқ сўзлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов бундай деган эдилар:

— Ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб, янги қўриқда ҳам катта жасорат кўрсатишларингга ишончим комил. Сизлар учун республика бюджетидан маблағ ва энг замонавий техника воситалари ажратилди. Ҳар бирингиз ишлаб чиқаришда, қўриқ ерларни ўз-

лаштиришда бой тажриба орттирган ажойиб мутахассис эканликларингизни ишда, амалда кўрсатиб, қардошлар даврасида интернационал бурчни шараф билан адо этишларингизга бизда ҳеч бир шак-шубҳа йўқ!

Оқ йўл сизларга!!

Улар ўттиз тўрт киши бўлиб, энг биринчилар эди... Улар мелиоратор, қўриқ ерлар тилини обдан биладиган луқмони ҳаким мутахассислар эди. Уларнинг изидан кўп ўтмай яна икки юз киши — биринчи ишчи десантлар группаси жўнаб кетди. Кейин, яна бир минг икки юз ҳашарчи — буниси асосий группа... Сўнг, ҳар мавсумда — группа, отряд, студентлар... Минг-минглаб кишиларнинг Ноқоратупроқ зонасига йўл олиши одат тусига кириб қолди.

Мен ана шундай отрядлардан бир нечасини жўнатишда қатнашганман. Қардошлар ерини гуллатишга борганлардан келган мактубларни ўқишга муяссар бўлганман... Сўнг бир неча кун, ойлаб юртдошларимнинг узоқ ўлкалардаги мардонавор меҳнатини кўз олдимга келтириб бениҳоят завқланиб юрдим. Уларни ўз кўзим билан кўриш истаги тинчимни бузди. Шундай қилиб, сафарга отландим. Новгородга — ўз юртдошларим ҳузурига етиб келдим. Биродарлар еридаги энг замонавий ҳашар ҳақидаги ҳикоя, Новгород дафтари ана шундай дунёга келди...

## НОВГОРОД ҚИШЛОҚЛАРИ

— Муҳаммадиев,— деб таништирди у ўзини мен билан қўл қисишиб сўрашар экан. Мен бу киши ҳақида олдиндан ҳам кўп яхши гаплар эшитгандим. Шундай одамлар бўлади-ки, уларни ўз юртида ҳамма танийди, барча баравар ҳурмат қилади. Йўлдош Муҳаммадиев худди ана шундай одамлар хилидан эди.

Касб-кори қурувчи-инженер. У Намангандаги бир қатор сув иншоотлари қурилишида қатнашган. Ишнинг кўзини биладиган бообру одамлардан. Бироқ, негадир кунларнинг бирида ўртоқларини айтишича, дабдурустдан «қочиб» кетибди. Бинойи ишлаб юрган еридан бўшатишларини сўраб ариза ёзиб, ҳисоб-китобларни ўрнига қўйиб, Тошкент томонга йўл олибди. Машъум зилзила оқибатида бошпанасиз қолган тошкентликлар учун муҳташам уйлар қуриш учун шундай қилган экан. Унинг

кўз олдида янги замонавий Тошкент қад кўтарди. У бу катта қурилишнинг актив ва жонкуяр қатнашчиларидан бўлди...

Баъзи одамлар табиатан тиниб-тинчимас, доим олға, янгиликка интилувчан бўлишади. Муҳаммадиевни ҳам Тошкентдан бошқа жойда, янада катта савобли ишда қатнашиш истаги тинч қўймади. Мирзачўлга отланди. Республикамиз харитасида оппоқ шўрлаб ётган бийдек чўлни гўзал Фарғонадек водийга айлантиришдек катта ишга қатнашишни ихтиёр этди. Бу ишга уни ҳеч ким мажбур қилмади. Ўзи, қалб амри билан чўлга келди. Чунки, у партиямизнинг аграр сиёсатини чин қалбдан маъқуллар, ўзи ҳам мўл-кўлчилик яратиш бобидаги партиямизнинг кенг кўламдаги катта ишига ўз коммунистик ҳиссасини қўшиш орзусида эди. Ҳар бир гиёҳни қуришиб жингиртоб қилувчи чўл шўрини йўқотиш мумкинлигига у қатъий ишонарди. Шунинг учун ҳам у қатъий аҳд, ишонч билан келиб, мелиораторлик фаолиятини Мирзачўлда бошлаган эди.

У чўлда каналлар қурди, кавламади, ҳа, қурди. Техника кучи билан каналлар қуришнинг янги прогрессив методларини қўллади. Канал қурилиши чўлдасиз заводдан бошланиб, темир-бетон лотоклар бир-бирига монтаж қилиниб, чўлда ўнлаб каналларда оби-ҳаёт шарқираб оқа бошлади. У бу кунларга етиб келгунча тиниб-тинчимасди. Унинг фикрича, энди Сирдарё областида чўл қолмади, асосий чўл майдонлари экинзор, боғроғлар қилинди.

Чўлда ҳам унинг яшаш тарзи, обрў эътибори биноидек эди. Бироқ, у яна бирор каттароқ ишга қўл уришга, бошқа ёққа кетишга чоғланди. Сирасини айтганда, Россиянинг Ноқоратупроқ ерларига боришга жазм этди. Борганда ҳам биринчилар сафида, биринчилардан бўлиб, бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор албатта. Мирзачўлга биринчи ҳужум бошлаган чўлқуварларга унинг жуда ҳаваси келиб юрарди.

...1920 йили Туркистон темир йўлининг Сирдарё станциясига узоқ Россиядан поезд келиб тўхтади. Битта вагонни қолдириб паравоз жўнаб кетди. Ўша битта вагондагиларни кутиб олишга юзлаб кишилар чиқди. Маҳаллий деҳқонлар, оддий қишлоқ одамлари ҳузурига Россиядан ўртоқ В. И. Ленин юборган нуфузли одамлар келишган эди ўшанда. Йирик мутахассис — ирригатор,

агроном, врач, ўқитувчи ва янги маданият тарғиботчилари бўлиб, уларни Ўзбекистонга шахсан доҳиймизнинг ўзлари юборган эдилар.

— Биз ана шу 1920 йилда Россиядан келган чўлқувар оғаларимиз Владимир Федорович Булаевский, Сергей Михайлович Курбатов, Евгений Иванович Озерскийларнинг шогирдларимиз,— дейди Йўлдош Муҳаммадиев,— ўша саховатли отахонлар хотираси олдида фарзандлик, шогирдлик бурчимизни мана энди ўташ вақти келди. Шахсан мен бунинг учун Россиядаги Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришда қатнашишни шогирдлик бурчим деб биламан...

Ҳа, Йўлдош Муҳаммадиев Ўзбекистондан Новгородга бориб ишлаш ташаббуси билан чиққан биринчи мелиоратор мутахассислардан. Мана бугун миллион-миллион сўмларни сарфлаб, минглаб гектар янги ерларни ўзлаштиришдек, мураккаб иш бошида турибди. Бир ўзи бир боши билан бутун бошлиқ трест иши учун жавобгар шахс.

— Ишларнинг бориши қандай?— сўрадим ундан.

— Ҳозир иш бошига, Новгороднинг янги қишлоқларига борамиз, кўрамиз, кўрсатамиз ишимизни,— деди у.

Новгород область партия комитетидаги уртоқлар савари биринчи Шимск ва Старая Руссани кўришдан бошлашимни маслаҳат берди. Шунга кўра, мана Ильмен кўли бўйида турибман. Кела келгунча йўлда бир нечта ҳамюртларимни учратдим. Бу учрашувлар менинг хотирамда, қалбимда бир умрга сақланиб қолади.

Шундай деяётганимнинг бошқа, катта сабаби ҳам бор. Новгород тупроғи уруш даврида кўп азият чеккан, азиз тупроқ. Бу жойларда ҳар қадамда биродарлик қабристонларини учратиш мумкин. Юзлаб, минглаб шахид бўлган юртдошларимнинг қони тўкилган муқаддас ерлар! Ноқоратупроқ деб аталмиш бу чексиз ботқоқликларни ҳар бир қаричи учун улуғ жангларда не-не ўғлонлар жонини тикмаган дейсиз. Ушаларнинг хотираси учун ҳам эндиликда бу ўлкани боғу-бўстонларга айлантириш, экинзорлар барпо қилиш нақадар савобли ишдир.

Старая Руссага бораверишдаги Парфинск районида янги «Дружба» қишлоғи қад кўтармоқда. Улуғ Ватан уруши йилларида атоқли ёзувчимиз, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Шароф Рашидович Рашидов шу жойларда бўлган. Сиёсий ходим, жангчи Шароф Рашидов куну тун солдатлар орасида бўлиб, уларни улуғ ғалабага руҳлантирган. Бу ердаги жангларда кўрсатган шахсий жасорати учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган.

— Шаҳримиз озодлиги учун курашган ҳар бир жангчининг иззат икромини ўрнига қўйиш, хотирасини эъзозлаш — бизнинг муқаддас бурчимиз!— дейди бу юртда яшовчиларнинг ҳар бири. Мен уларга бир ажойиб хатни ўқиб бердим. Бу шаҳар пионерлар саройидаги қизил изтопарларнинг рапорти бўлиб, унда бундай дейилган эди:

«Севимли адиб, ҳурматли Шароф Рашидович Рашидов! Биз ким Старая Русса пионерлари тантанали равишда Сизга шуни маълум қиламизки: биз яшаётган, ўқиётган, соф ҳаводан нафас олаётган мана шу она тупроғимиз учун бўлган аёвсиз жангларда ўн уч миллат фарзандлари қаҳрамонона курашганлар...» Хат давомида олтмиш жойда бу урушда қурбон бўлганлар қабристонни борлиги, хотира ёдгорликлари комплекси тикланганлиги, уларга ҳар куни гуллар қўйилиб, пионерлар фахрий қоровул бўлиб туришлари ҳақида ёзилган.

Ўзбек мелиораторлари ҳар шанба биродарлик қабристонларини зиёрат қилиб ҳамюртларимиз жой бошига гулчамбарлар қўйишни канда қилишмаяпти. Улар хотираси абадий ўчмайди!

— Бу жойларга ишга келиб жуда тўғри қилган эканман,— дейди Муҳаммадиев.

— Нима учун?— гап олиш учун атайлаб савол бердим.

Муҳаммадиев бугунги тинчлик давридаги ишлар ҳақида гап бошлаб кўп нарсаларни гапириб берди.

Новгород тупроғида маҳаллий аҳоли билан биринчи учрашув унинг хотирасида бир умрга ўчмас из қолдирибди. Гуллар, музыка, катта тантана, катта ишонч... Ахир, уларни ернинг луқмони ҳакимларига бўлган ишонч билан кутиб олишди. Бир ҳисобда жуда тўғри ҳам... Мелиораторлик, ирригаторлик Ўзбекистонда оддий касбгина бўлиб қолмай ўзига хос бир санъат, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ноёб касб. Лекин, шуниси ҳам борки, Муҳаммадиев ҳам, бошқалар ҳам ҳаётларида бунақадги ботқоқлик, балчиқ ерларни кўришмаган эдилар. Катта «Белорусь» тракторларини ҳам ботқоқ-

лик ютаман дейди. Айтишларига қараганда, бизнинг қурувчилар иш бошлаган ерларнинг бирида бутун бошлиқ бутхона балчиқ остига кириб кетганини кўрган одамлар бор эмиш...

Ҳамюртларимиз дастлаб резина этиклар оёқда, тиззадан балчиқ, бел баравар келадиган ботқоқ кечиб, ишни ер структурасини текшириб чиқишдан бошладилар. Йўл, кўприк, уйлар қуришга киришдилар.

Ҳамма нарсани Ўзбекистон юбориб турди. Ҳар куни Ўзбекистон мелиораторлари номига гоҳ. Тошкентдан, гоҳ Жиззахдан, Янгиеру Қаршидан вагон-вагон юк келиб турди... Тез вақт ичида меҳмон—мелиораторлар ер қазииш техникаси, қурилиш механизмлари билан қуролланиш жиҳатидан маҳаллий меллиораторларга нисбатан энг бой, энг қудратли бўлиб олдилар. Бу трест шу хил ташкилотлар орасида энг катта, миллион-миллион сўмлаб иш бажаришга, ҳам саноат қурилиши, ҳам уй-жой тиклаш ва айни вақтда мелиорация юмушлари олиб боришга қодир қудратли кучга айланди.

— Дастлабки ютуқларимиз,—дейди Муҳаммадиев:— Шимскдаги янги қишлоқ, ўн минг гектарча янги ўзлаштирилган ер, беш йиллик охиригача «Тошкент» ва «Дружба» совхозлари тўла-тўқис қад кўтариб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади. Шимоли-Ғарбий Россияда энг катта икки минг бош сигирга мўлжалланган чорвачилик комплекси ишга туширилади. Епиқ дренажлар воситаси билан салкам етти минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

Уртоқ Йўлдош Муҳаммадиев айтган ишлар беш йиллик охиригача бажарилишига шак-шубҳа йўқ. Чунки ҳамюртларимизнинг мақсаду ниятлари катта, ишончлари катта, шунга яраша ишда ғайратлари ҳам катта. Қолаверса, бу жойларда Иттифоқ миқёсида бошланган биродарона ҳашар ҳам жуда катта!

## ИШОНЧ ВА ДУСТЛИК

Мен Ивановога келган заҳотим ҳамшаҳарларимнинг байрами устидан чиқдим. Ҳаво очиқ, қуёш кулиб турарди. Ҳали гуллар очилмаган бўлса-да, сиренларнинг ғунчалари етилиб кум-кўк япроқлари орасидан оппоқ оқариб, қип-қизариб, гўё байрамни қутларди. Дустларимнинг севиниб хабар қилишларига қараганда баъзи

илфор мелиораторларимиз бугунги байрам шодиёнасини ўтказиш учун кечагина сотиб олган янги «Москвич», «Жигули»ларида оилалари, ўртоқлари билан ўрмонларга йўл олибдилар...

Иваново кўчаларида чуст дўппилик йигитлар, хонатлас кўйлакли қизлар сайр қилардилар. Уларни комсомол ташкилоти қурилиш майдонларидан шаҳарга меҳмон қилиб олиб келган экан. Музейлар, театрлар, истироҳат боғларида ҳам шу куни Ўзбекистондан келган мелиораторларни иззат-икром билан кутиб олдилар. Биринчи келган мелиораторлар десантига ўзбекистонлик комсомоллардан ташкил топган ёрдамчи группа келиб қўшилибди, ҳамма тантана шулар учун экан.

Биринчи десант, ўттиз тўрт мутахассис Янгиердан келган эди. Ўттиз тўрт баҳодир Ивановога 1975 йил 2 январда келишган эди. Улар ишни шаҳарда Ўзбекистон мелиораторларининг штабини ташкил қилишдан бошлаган эдилар. Улар бузиб ташлашга маҳкум этилган иморатни тездан қайта тиклаб, бўяб-бежаб гўзал бинога айлантирдилар. Унга Ўзбекистон ҳукумати қарори билан тузилган «Ивановоирсовхозстрой» деб аталмиш трестимиз жойлашди.

Ўзбек ҳашарчиларининг Ивановодаги бу бош штаби Ленин номи билан аталган кўркем хиёбоннинг яшил майдонида савлат тўкиб турибди. Штаб маҳкамасига бора боргунча ҳар одимда инқилобий тарихий ёдгорлик лавҳаларини ўқимай ўтолмайсан киши, беихтиёр Иваново — Вознесенск ишчиларининг инқилобимиз илк баҳоридаги жасоратларини, биринчи қизил гвардиячилар, биринчи Советларни эслайди киши...

«Иваново — Тўқимачилар республикасининг пойтахти». Ҳа, шундай! Азалдан тўқимачилар ўлкаси ҳисобланган Иваново «Катта мануфактураси»дан тортиб унинг ҳозирги замон нафис матоларигача, ҳамма-ҳаммаси пахтакор республикамизнинг ўриши ва арқоғидан бунёдга келади.

Ивановоликлар билан ўзбекларни бир-бирларига улаган ўриш—пахта билан газламагина эмас! Унинг асоси қон билан қуюлиб, қардошлик иплари билан чийралган ва биродарлик ҳис-туйғулари билан пайвандлангандир. Ўрта Осиё халқларини озодликка чиқаришда, Совет ҳокимияти ўрнатилишида қизил тўқимачилар ёрдами беқиёс бўлган...

Тошкентдан йўл олиб Иваново вокзалида вагондан тушган ўзбекистонликлар Ленин хиёбонидан ҳамюрт мелиораторларимиз штабига боргунча, хуллас ҳар бир лавҳа, бинога ҳавас билан боқмай ўтолмайди. Бу ерда ҳар бир уйнинг ўз тарихи бор:

«Бу уйда Иваново — Вознесенскийнинг Қизил гвардия штаби жойлашган».

«...Бу бинода М. В. Фрунзе ишлаган...»

...«Бу ерда Чапаев дивизиясининг биринчи комиссари П. С. Батурин истиқомат қилган...»

...«Бу мактабда Д. Фурманов ўқиган...»

Мана, ўзбек пахтакорлари билан Иваново туқимачилари неча йиллардан бери қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар. Буни биз социалистик мусобақа деб атамоқдамиз. Мана бугун Иваново далаларида, боғларида ўзбекча куй, ашула, суҳбатлар. Тарих ҳали бу юртларда бундай ҳашарни, Ўзбекистондан келган мелиораторлар, қурувчилар, йўл қурувчиларни кўрмаган эди. Мана, бунинг отини катта ҳашар дейдилар.

Ҳамюртларимизнинг ноқоратупроқ ерларидаги ишлари ҳақиқатан ҳам катта ҳурматга лойиқдир. Мен буни ўз кўзим билан кўриб, қувониб кетдим.

«Ноқоратупроқ ерларни чаманзорга айлантириб, ботқоқликларни юқори ҳосилли экинзорлар қиламиз!»— Ўзбекистонлик мелиораторларнинг бу шиорини ҳар бир участкада учратиш мумкин. Улар орасида бундайлари ҳам бор.

«Планни бажариш — коллективимизнинг вазифаси!

Планни ортиғи билан бажариш — коллективимиз шавкати!

Сифатли қилиб бажариш — коллективимизнинг виждони!»

Ҳамюртларимиз Иваново областида худди ана шундай ишляптилар. Шуя, Қохма, Ново-талици шаҳарларида таянч базалари қуришда ҳамюртларимиздан ташкил топган меҳнат коллективлари самарадорлик ва сифат учун курашни ана шундай шиор остида бошлаганлар. Михдан тортиб, кучли агрегатларгача Ўзбекистондан келиб турди. Аммо, узоқнинг йўлига қачонгача тикилиб туриш мумкин. Шунинг учун шу ернинг ўзида таянч пунктлари — қурилиш материаллари заводлари, темир-бетон полигонлари қурилди...

Қасбим шундоққи, ишим хусусидан кўп жойда бўлиб, кўпчилик ичида юраман. Бу жиҳатдан мени «жаҳонгашта» десалар бўлади. Ҳар ишдан, ҳар гапдан хабардорман. Ҳатто анчайин янгиликларнинг туғилишига гувоҳман. Баъзи «ўзаро гап»лар, сирли ҳодисалар ҳам мени четлаб ўтолмайди. Бинобарин, кўп ишнинг жонли шоҳидиман. «Уқиган олим эмас, уққан олим», деганлар.

Кўрган-билганларим, кечирмишларим, ўқиб улгурганларим, ҳозирча поёнига етолмай юрганларимнинг дафтари айтса одоқ бўлмайди. Аммо уларнинг ҳаммасини сизларга айтгим келяпти. Мана шунақа ичида гап ётмайдиган одамман. Айниқса бу антиқа воқеани ипидан игнасигача тўкиб солмасам оромим бузилади.

...Қаҳратон қиш эди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи музларди. Заҳарли қор учқуни кўз очирмайди. Совуқ шамолнинг муз найзаси баданни тешиб, қовурғани қайиштиради. Бизга бутунлай нотаниш, бегона иқлим. Чидашимиз керак, кўникишимиз лозим. «Ҳали—буниси ҳолва!..— деди раҳбаримиз Георгий Павлович.— Энг қийини энди бошланади».

Георгий Павлович Пензин кўп иш кўрган, чиниққан одам эди. Анчага бориб қолган бўлса ҳам жуда ёш кўринади. Ўзи ҳам жуда серғайрат, тиниб-тинчимасди. Унинг ичидаги олови ташида ёнарди. Юзи-кўзи порларди. Қўлини қимирлатмай, кўзини ўйнатмай гапиролмас, гапирганида сўзларининг мазмунини икки қўли, юзи, кўзи ҳаракати ёрдами билан баён қиларди. Шунинг учунми, ҳадеб, у билан гаплашгим келаверарди. Машина керак бўлса—бўлмаса грузовикни унга рўпара қилиб ҳазиломиз:

— Извош тайёр!— дер эдим.

— Мазахлама, Раҳимжон, ҳадемай «Волга»ларга ҳам етишиб қолармиз,— дер эди қўлларида «Волга» рулини тасвираб.

«От топгунча эшак мин!» деганларидай кимсан «Ивановоирсовхозстрой» трести бошлиғи бўлмиш Георгий Павлович Пензиннинг шахсан ўзини самосвалда олиб юрдим. Одатим шунақа — рулда секин юролмайман. Йўллар яхши эмас. Унқир-чўнқир. Бунинг устига

қалин қор қоплаган. Ҳар куни — эртаю-кеч яхмалак.

— Секинроқ юр, Раҳимжон, тўкилиб қоламан,— дейди ҳазиллашиб Георгий Павлович.— Бу юришингга кузовдаги ғишт чидамайдию, мен чидармидим.

— Тез юрмасам совқотиб қоляпман,— дедим мен унга кунларнинг бирида.

Бошлиғимиз бошимдан оёғимгача қараб қўйди-да:

— Машинани орқага қайтар, Раҳимжон!— деб буюрди.

— Нега?— ҳайрон бўлиб сўрадим.

У қўллари билан руль буриш ишорасини кўрсатди.

— Қайтар, дедим, қайтар!

Темир йўл станциясига кетаётган эдик. Ўзбекистондан шошилинч юк келган. Уни вагонлардан тезда тушириб олмасак, темир йўл раҳбарлари катта жарима солади, ташиб олмасак, қорда ивиб, совуқда нобуд бўлади. Бугун ҳам иш шунақа тиқилинч. Товар станциясида уни ҳам, менинг машинамни ҳам зориқиб кутмоқда эдилар. Шундай бир вазиятда «Қайт орқангга» дейиши мени ташвишга солди.

— Муҳимларнинг муҳими эсимдан чиқибди... Одамларга иссиқ кийим олиб бориш керак!

Елкамни қисдим-да орқага бурдим. Қандай тезликда келаётган бўлсам шундай жадал юрибман. Машина яхмалакда пириллаб айланди-да йўлнинг четига уйилган қор ғарамига ботиб кетди. Зовурга тушдим шекилли, машинам кабинасининг эшиги ҳам қор ичида қолди. Моторнинг овози ўчди.

Йўлдан катта-кичик машиналар секин ўрмалаб ўт-япти. Тақасиз отдай гоҳ тийғаниб, гоҳ олди, гоҳ кети билан у ёқ-бу ёққа бурилиб, «босайми, босмайми», дегандай зурга юриб бораётган машиналарнинг бирортаси мушкуллимизни осон қилолмасди.

— Бирорта таягач топиб ке!— деб буюрди менга Георгий Павлович.— Машинангни ўзим қўриқлаб тураман!

Пиёда йўлга чиқдим. Кабинада ўтирганимда унча билмаган эканман, совуқ қаттиқ экан. Аъзойи баданимга минглаб, миллионлаб найза санчиляпти, юзимни гуё арқачқандай, қор олиб юзимга суртдим-да, югуриб кетдим. Йўловчи машина учрамайди, учраса ҳам қаош паялари банд, кузовига чиқишдан қўрқаман.

Бир илож қилиб бўш машинага чиқиб олдим. Қарамай қолган эканман, у мени бошқа томонга олиб кетди. Яхши ўзимизникилардан бири учраб қолди.

— Қаерга боряпсан?

— Тракторга.

У ҳам машинасини қорга ботириб қўйган экан.

Биргалашиб тракторларимиз тариллаётган жойга бордик. Кучли экскаваторлар қор аралаш музлаган тупроқни тўплаб, бўлажак йўлга асос солмоқда эди. Сал нарида скреперлар гимирларди. Улар чуқурликни тўлдириш учун ағдарма тўкарди. Шеригим билан икковлон бир скеперни бошлаб бориб қор чангалидаги машинага тиркадик. Георгий Павлович совуққа бардош беролмай, машинанинг печкасига бағрини бериб ўтирган экан. Бизни кўриб қувониб кетди.

— Бормисан, Раҳимжон?

— Бир эмас, икки киши бўлиб келдик,— дедим кабинани очиб.

— Ие, Холматов? Сен нима қилиб юрибсан?

— Иссиқ кийимларга бориб эдим...

— Қани? Қани иссиқ кийимлар?

— Машинада... машинам зовур бўйидаги телеграф столбасига суяниб ётибди...

— Қаерда?

— «Тошкент»да...

Машинани йўлга чиқардик-да, скреперга жавоб бериб юбордик. Бошлиғимиз Холматовни ҳам кабинага, ўз ёнига чиқариб олди. Тор жойда томоша кўрсатгандай тиқилишиб, учовлон бир-биримизни қучоқлагандай бўлиб, Холматовнинг «МАЗ»и тиқилиб қолган «Тошкент»га жунадик.

\*

\* \*

Азалдан тўқимачилар маркази деб аталган, тарихда «Иваново-Вознесенск катта мануфактураси» номи билан оламга танилган ҳозирги Иваново шахрининг қоқ ўртасида Тошкент деб яқинда ном олган кўча бор. Бу кўчанинг у бошида ҳам, бу бошида ҳам гигант завод гумбирлаб ишлаб туради. Бирини маълум ва машҳур оғир станоклар қурилиши заводи деб аталса, иккинчиси кучли автокранлар ишлаб чиқариш билан донгдор. Тошкент

кўчасидан ҳар тонгда ишга, кечда ишдан ана шу икки завод ишчилари қатнайдилар.

Кўчага кираверишда ҳам, ундан чиқаверишда ҳам деворга «Яшасин СССР халқларининг байналминалий бирлиги ва дўстлиги!» деб ёзиб қўйилган. Бу сўзларни ўқиган ҳар бир йўловчи аввало ивановолик рус оғалар билан ўзбек пахтакорлари, ўзбек тўқимачиларининг анъанавий дўстлигини кўз олдига келтиради.

Валижон Холматов шу кўчага—Ивановодаги «Тошкент»га тез-тез қатнаб турарди. У Шукур Муҳаммадиев билан бирга биринчи механизациялашган колонна билан келган, қаҳратон қиш куни самолётдан тушган биринчи десантга оид йигит. Унинг Наждаси ҳозир Тошкент кўчасидан сал нарида истиқомат қилади.

Кунларнинг бирида Валижон шу кўчада сайр қилиб юраркан, йўлкада ўйчан бораётган қизни учратди-да, «Нималарни ўйлаяпсиз, яхши қиз?»—деди. Қиз бирдан нига ҳушёр тортиб, унга кулиб боқди. Унинг кулиб турган кўзлари, момиқдай оппоқ юзи Валижонга жуда ёқимли туюлди.

— Исмингиз нима?

— Нажда... Сизники-чи?

— Валижон.

— Ўзбекистондан келдингизми?

— Ҳа мелиораторлар билан келганман.

— Инженермисиз?

— Афсуски, инженер бўлолмадик. Атиги шофёрман.

— О, жуда яхши ҳунарингиз бор экан. Инженер бўлиш ҳам қочмайди...

Гапдан гап чиқиб, саволдан савол туғилиб, суҳбат анчагача давом этди. Эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам тез-тез учрашадиган бўлдилар-да, бир-бирларини кўрмаса туролмай қолдилар. Бугун ҳам станциядан қайтаётиб у Наждага йўлиқиб ўтмоқчи бўлганларида қорга ботишганди.

— Шундай ҳолатда Наждангни бир кун кўрмасанг нима бўларди?—дедим мен унга жаҳл билан.—Ёки пўстинларни кўз-кўз қилмоқчимидинг?

Валижон индамади. Георгий Павлович ҳам тишини тишига қўйди.

Телеграф столбасига ёнбошлаб, қорга кўмилиб ётган машинанинг атрофида оқ ёқали пўстин кийган, қулоқчинли телпакни бостириб олган икки одам юрарди.

— Булар кимлар?— деб сўради бошлиқ ниҳоят қўли билан уларни кўрсатиб.

— Вой, валатиларей, буларни қаранг, босқинчилик-ку, бу!...—деди ғазабли таажжуб билан Валижон Холматов.— Ўғирлик-ку... сурғични бузишибди-ку!..

Улар трестнинг ишчилари эдилар. Биз ўзимизнинг йигитларимизни зўрға танидик.

— Пустин билан шапкаларни ким берди? Валенкиларни-чи?

— Ўзимиз олдик, совуқда ўлишдан қўрқдик-да, яшиқларни очиб кераклигини олдик...—деди уларнинг бири,— тилхати ичида...

— Боплабсизлар, азаматлар!— деди бошлиқ уларни берухсат сурғич бузгани учун айблаш ўрнига елкасини қоқиб.— Қани манови йигитларни ҳам дарровда кийинтириб қўйинглар-чи!..

Холматов билан икковимиз ҳам бир зумда сибирликлардай иссиқ либосга бурканиб олдик.

— Нега қараб турибсанлар, кийимларни Раҳимжоннинг машинасига юкланглар, тезроқ!— деди бошлиқ.

Юкни ортиб бўлишимиз ҳамон «скрепер етиб келишини кутинглар» деди-да, менга товар станциясига томон ҳайдашни буюрди...

\*

\* \* \*

Товар станциясидаги ҳолатни кўриб бошлиғимизнинг тепа сочи тик бўлиб кетди. Урта йўлга қаторлатиб қўйилган вагонларнинг эшиклари очиқ! Бу йўлни бизникилар «жарима йўли» дейдилаар. Негаки, энг шошилич юкларни шу йўлга қўядилар-да вагонларни шиддат билан бўшатишни талаб қиладилар.

Вагонларнинг ҳаммасида Ўзбекистон шаҳарларининг номи ёзилган. Масалан: «Янгиер—Иваново», «Жиззах—Иваново»... Уларнинг остида темир йўлнинг ўз белгиси қўйилган. Бу белгилар кўзимизга жуда таниш бўлиб қолган. «Срочная!», «Молния!»

Георгий Павловичнинг сочини тикка қилган нарсалар ана шу ёзувлар билан қаторлашиб «жарима йўли»-да турган вагонлар эди. Уларни зудлик билан бўшатиб беришга куч қани. Шунча вагонда фақат беш киши иш-

лаяпти. Бояқишлар шундай совуқда қора терга ботиб кетсалар ҳам станция навбатчиси уларга балли демайди, аксинча, ушқиргани ушқирган.

— Бошлиғини чақирмайсанларми, бу ҳолатда жаримага кўмилиб кетасанлар-ку!

— Қачон қанча вагон юк келишини хабар қилиш керак эди-да!— деди бошлиғимиз навбатчига юзланиб.— Шунча вагоннинг бирдан келиб қолишини туш кўрибманми!...

— Бўлмаса эшитиб қўй, республикангдан яна катта юклар состави келяпти. Ҳаммаси пулман вагонлари...

Георгий Павлович икки қўли билан бошини ушлади-да, менга деди:

— Нега қараб турибсан, пўстинни еч, ёрдамлаш буларга!

Мендан олдин унинг ўзи вагонга тирмашди. Бир одам кўтарадиган юк эмас, темир-бетон плиталар...

Пўстинни ечиб ташлаб, унинг ёнидаги ёғочи орқали настига тушира бошладик.

— Нега бу ерда турибсан!— деди у менга ушқириб.

— Юк туширяпман...

— Тез бўл, одам топиб кел!— деди у менга.

Машинани юргизаман дейман, хира эшак нима-ю у нима, сира мотор ўт олмайди. Стартерни босавериб товоним тешила ёзди-ю «ғинг» демайди безбет!

— Ёрдамлашворинглар, аккумулятор қайсарлик қил-япти,— дедим. Ҳеч ким қулоқ солмайди.

— Ҳалиям шу ердამисан, Раҳимжон, бўлмайсанми тезроқ!— деди бошлиқ.

Жаҳлим чиққанидан мен ҳам индамадим. Ҳолатимни сезди шекилли, Георгий Павлович олдимга келди. Техниканинг феълини яхши билгани учун вазиятни тушунди, вагондаги йнгитларни ёрдамга чақирди. Ишдан қизғанган бу одамлар шундай долзарбда уларга халақит берганим учун, мени еб қўйгудай эдилар. Менга даҳшатли хўмрайнишиб, сўкинишиб елкаларида жаҳл билан машинани ўрнидан кўзғатиб юбордилар. Тахминан юз метрча уни судраклашиб борганимизда мотор учқунлаб аланга олди.

Темир-бетон заводи қурилаётган жойга бордим. Қурилишда қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ. Қоровул гулханига бағрини бериб ўтирибди.

— Одамлар қани? Ишни ким тўхтатди?— дедим мен унга.

— Эсинг борми, ўзи,— деди у қўлларини оловга тутиб.— Шундай совуқда қанақа иш бўларди? Уларни прорабнинг ўзи бас қилди. Ке, ўтир, исиниб ол, рангинг оқариб кетибди...

— Одамлар қани деяпман сенга?

— Одамларни торф қазигани олиб кетишди.

Торф қазииш ҳам юклатилган эди бизнинг одамларга. Бу ишни буш қолган вақтда қилардик. Негаки қишда қурилиш ва мелиорация ишлари олиб боришнинг имкони йўқ эди. Ана шундай пайтларда техника ва одамлар бекор ётмаслиги учун торф қазиишга юбориларди.

Торфхонанинг йўли яқин ва машиналар кўп юргани учун юриш осон эди, ғириллаб бордим-да, торф қазийган йигитларимизни кузовдаги юк устига ўтқизиб йўлга чиқдим. Шу пайт қаёқдандир Муҳаммадиев пайдо бўлди.

— Тўхта!

Тўхтадим.

Муҳаммадиев машинадаги одамларни уриша кетди.

— Бу ерга саёҳат қилгани келувдиларингми? Бу нима қилиқ? Тушинглар машинадан. Марҳамат қилиб нормани бажаринглар!

Йигитлар таппа-таппа машинадан туша бошладилар. Муҳаммадиевга тушунтиргунимча йигитлар торфхонага кириб олишибди.

— Хўжайинингизнинг буйруғи бу!— дедим мен унга,— Георгий Павловичнинг буйруғини бекор қилишга нима ҳаққингиз бор!

Муҳаммадиев доно, тадбиркор одам эди. Заруратни дарҳол пайқади. Аммо мени интизомсизликда айблади.

— Бошлиқ буюрса ўзимга айтмайсанми? Тартибни бузганинг учун сенга берадиган одамим йўқ!

Ялинишга тушдим.

— Уринбосарингиз одам бермади, деб қуруқ ўзим сўппайиб борсам яхши эмас, ўртоқ Муҳаммадиев. Сизга ҳам тааллуқли бу иш. Бир эшелон юк келибди. Яна келаетганмиш. Юклар «жарима йўли»да турипти...

Муҳаммадиев ҳушёр тортдида таъна-тазарруга ўтди.

— Шуни бошида айтсанг бўлмасмиди. Қанча вақтни бекорга ўтказдинг! Чақир йигитларни...

«Хў-у... Йигитлар, тезда келинглр бу ёққа!»— деб қичқирдим. Ҳеч ким гапимга қулоқ солмади. Кейин Муҳаммадиевнинг ўзи қичқира бошлади.

— Йигитлар!..

Юк тушираётган платформага келсам товар станциясининг навбатчиси бошлиғимизни жингиртоб қил-япти.

— Бу одамнинг ҳам оз! Ярим соатдан кейин келган эшелонни уч соатда бўшатишинг керак! Бўшатмасанг ўзингдан кўр...

Георгий Павлович яна менга боқди-да, мендан узр сўрагандай оҳангда илтижо қилди:

— Яна одам топиб келишингга тўғри келади.

— Қаерга борай?..

— Вагон-шаҳарчага бор. Қоровулдан бошқасини битта қўймай олиб ке.

— Иссиқ кийимларни нима қилай?

— Вагон-шаҳарча қоровулига топшириб ке, тилхат олишни унутма! Темир йўлдан қутилганимиздан кейин уларни ҳаммага ўзим улашаман. Қани, олға азамат!..

Вагон-шаҳарча бўлажак совхоз марказининг қурилиш майдони биқинида тикланмоқда эди. Атрофи ўрмон. Биз учун қоп-қора ўрмон эди. Чунки унда нима бору, нима йўқлигини билмасдик. Унинг ёзи соз бўлса ҳам, қиши хатарли, унда оч бўрилар яшайди, дер эдилар.

Вагон-шаҳарчага келиб ажойиб ҳодиса устидан чиқдик.

\*

\* \*

Вагон-шаҳарчанинг номи бўлгани билан ҳали ўзи йўқ эди. Уни Тошкент—Иваново махсус рейсида келган «строй-поезд» деб аталмиш қаршилиқ йигит-қизлар бунёд қилмоқда эдилар. Вагончаларни ҳам ўзимиз олиб келганмиз, уни қишловга мослаш учун керак бўлган материаллар эса, Иваново товар станциясининг жарима йўлидаги вагонларда турибди. Уларни вагон-шаҳарчанинг ўз аҳолиси тушириб олиши, ўз шофёрлари ташиб келиши лозим эди.

Шаҳарчага яқинлашганимда машинам яна қорга ботиб қолди. Ёрдам сўраб йўл қураётган тракторчилар олдига бордим. Тракторлар қаторлашиб турибди-ю,

ҳайдовчилар кўринмайди. Улар тушки овқат қилгани вагон-шаҳарчага кетибдилар.

Тракторлар изи билан куйиб-пишиб пиеда кетаётган эдим, олисда «КрАЗ» машинаси кўринди. «Ана шу «КрАЗ» қутқаради мени», деб севиндим. У яқинлашгач, «тўхта» деб ишора бердим. У тўхтади.

— Қишлоққа борсанг машинага чиқ!— деди шофёр.

— Қишлоққа эмас, вагон-шаҳаргача боряпман.

— Ундай бўлса боравер,— деди-да, йўлида давом этди.

— Мен одам олиб кетишим керак. Машинам тиқилиб қолди. Иш зарур!— дедим унга вазиятни тушунтиришга уриниб.

— Менинг ишим сеникидан ҳам зарур!— деди у кабинада ўтирган икки болани кўрсатиб,— Мановлар кечикиб қоляптилар.

Кабинада ўтирган иккала бола ҳам вагон-шаҳарчанинг аҳолиси бўлиб, қурувчи ишчиларнинг болалари эди. Шаҳарчамизда мактаб йўқлиги учун бу иккала ўқувчи анча узоқдаги Приволжскда ўқишга мажбур. Аммо ўзлари боролмайди. Йўл узоқ. Автобус қатнамайди. Бошлиғимизнинг буйруғи билан ҳар куни йўловчи машина уларни мактабга ташлаб қўяди. Ўқишдан кейин ҳам шундай қилинади.

— Машинамни чиқаришвор, ўртоқ!— деб илтимос қилдим.

КрАЗчи кўнмади.

— Қуриб турибсан-ку муҳим пассажир олиб кетяпман,— деди у.— Қутиб турсанг, қайтишда чиқариб бераман.

Жаҳлим чиқди.

— Муштдек болалар бир оз кутиб турса нима бўпти,— дедим унга зарда билан.

— Нега муштдек болалар, дейсан. Булар мактаб болалари. Билиб қўй!— деди менга чақчайиб.

— Иккита болага ҳам шундай катта машинани овора қиладиларми! У ерда трестимиз жаримага ботиб кетяпти... Буксирингни тўғрила, ўртоқ!— дедим.

— Жарима тўланиб кетади, аммо болалар ўқишдан кечикса уни ҳеч қанақа жарима билан тўлаёлмайсан. Шуни бир карра билиб қўй!

Шундай деди-да у «КрАЗини» тариллатиб кетаверди.

Анча олислагач, кабинадан бошини чиқариб, менга қичқирди:

— Қутиб тур, тракторчилар келиб қолмаса, қайтишда узим чиқариб қўяман.

Тракторчилар ҳадеганда келавермадилар. Шаҳарчага узим бордим. Ҳамма ботқоққа ботган тракторларни қутқаргани кетипти. «Олтин ҳалқадан» олиб келинаётган йўл битиши, унинг бўйида техникага тош териб, майдон қилиниши керак эди. Бунинг иложи бўлмади. Қишнинг кети айниб кетди, баҳор кирмай туриб, об-ҳаво бетайин, беандиша найранг кўрсатди. Мана энди кутилмаганда «ЧП»!

Мен «ЧП» жойига етиб келганимда ҳамма ботқоққа чўккан техникани қутқозиш билан овора эди. Яқин атроф қишлоқларидан ҳам одамлар келишипти. Ҳамма лойга ботганди. Маҳаллий одамлар кимлару, ҳашарчилар ким билиб бўлмасди. Одамлар орасидан бир киши ажралди-да, тўшалган ходалар, похол боғлари устидан аранг лапанглаб юрди ва Қудратовга яқинлашгач, чарчоқ нафас олиб, ҳансираб тураркан, қисқагина рапорт берди:

— Қутқаряпмиз... Иккитаси қолди...

У рапорт бераётганда мен уша томонга бораётган эдим, Бойбеков мени орқамга қайтарди.

— Борма чукиб кетасан!

Ташландиқ бутхонадан сал нарида бульдозерлар қийшайиб ётар, бир «К—700» трактори эса, қулоғигача ботқоқ ичида эди. Борлиқ тросс ва тиргак асбобларини шу ерга жамлаб, қишлоқлардан келтирилган арқон ва симларни улаб энди шатак ишларини бошламоқчи бўлиб турган эканлар.

Бойбеков техникани қутқариш операциясига раҳбарликни ўз қўлига олди-да, менинг самосвалимни ҳам шатакчи гуруҳга қўшиб қўйди. Шатакда ҳайқариб, бақариб, жар солган техниканинг тариллаган овози Ивановога етгандир. Моторлардан чиққан қора тутундан эса, ҳеч нарса, на одам ва на техника, ҳатто терак бўйи қад кўтарган эски бутхона ҳам кўринмасди.

Шундай қилиб ботқоқ қаъридан бирин-кетин тортиб олинган техника тўсин, похол ва сомон йўлига чиқарилгач, Бойбеков уларнинг ҳаммасини ҳаммомга солишни буюрди. Бу дегани — техникани одам янглиқ ювиб, тозала, дегани эди.

Борлиқ машиналарнинг ҳар бири кичик детали ҳам ярқираб кулмагунча у ҳеч кимни бу ердан жилдирмади. Одамларнинг, ўзлари ҳам лой занги оқибатини яхши тушунардилар. Шунинг учун ҳар ким ўз ишини ўзи билиб қиларди...

## БИРОДАРЛИК МАЙДОНИДА

Ҳар ишнинг бошланиши қийин. Қалаваннинг учи топилиб, ишнинг кўзи очилгунча кўп машаққатга дучор бўлади киши. «Биродарлик майдони»даги ишлар ҳам осонлик билан бошланиб, машаққатсиз давом этаётгани йўқ. Бу ердаги ҳар бир одим, оғир жангларни эслатади. Шу туфайли улкан ҳашар кетаётган бу майдонни мен «жасорат майдони» деб атамоқчи эдим, лекин уни қаҳрамонларнинг ўзлари мароқ билан «Биродарлик майдони» демоқдалар».

Рамзий маънодаги бу иборани дастлаб Шукур Муҳаммадиев айтган эди. Кейин-кейин бу сўзлар оғиздан-оғизга ўтиб ивановоликларнинг лексиконида машҳур бўлиб қолди.

Қорачадан келган қўнғир соч, юмалоқ юзли, алп қоматли йигит, ҳалигина тилга олинган Шукур Муҳаммадиев ноқоратупроқ ерларда куч синаб кўришни аввалдан орзу қилиб юрарди. У Мирзачўлда чўлқуварлик қилиб юрган кезларида ва ўша чўлқуварлар пойтахти Янгиер шаҳрини қуриб, унда шаҳар советига раислик қилаётган кезларида, ундан кейин Москвада, Олий партия мактабида таълим олган чоқларида ва ниҳоят Сирдарё обкомида ишлаб юрган пайтларида ҳам шу мақсад билан яшади.

Чунки у партиямизнинг аграр сиёсатини чин қалбдан маъқуллар ва мўл-кўлчилик яратиш бобидаги партиямизнинг кенг кўламдаги катта ишига ўз коммунистик ҳиссасини қўшиш орзусида эди. Унинг бу хайрли ишлари ушаладиган кунлар келгач, мақсадига етгунча тиниб-тинчимасди. Унинг фикрича, Сирдарё областида чўл қолмади, асосий чўл майдонлари экинзор, боғ-роғ қилинди. Мирзачўлликлар эндиликда чўлни ўз чегарасидан анча нарига—Жиззах тоғлари этагига қувлаб юбордилар. Мана энди уни ноқоратупроқ ерлари ўз бағрига чорляпти...

— Борамизми?!— деди у янгиерлик дўстларига му-  
рожаат қилиб,— Ноқоратупроқда янги тарих очилапти,  
тарих яратишдан биз четда қололмаймиз.

— Булмасамчи, борамиз!— деди қурувчи Геннадий  
Иванович Бондарев.

Улар қўл олишди. Геннадий Иванович Янгиерни тик-  
лаган, унинг икки заводи қурилишида бошдан-оёқ ти-  
нимсиз ишлаган, умуман чўлни ўзлаштиришда ун сак-  
киз йиллик тажрибага эга бўлган одам.

— Мен ҳам бораман!— деди Валижон Холматов—  
Мирзачўлни бошдан оёқ грузовикда кезиб чиққан, неча  
юз минг тонналаб юк ташиб шаҳар қурган шофёр йигит.  
Муҳаммадиев унга таянмай кимга таянсин. Уларни Шу-  
куржон «ноқоратупроқчилар рўйхати»га тиркади.

«Ноқоратупроқчилар рўйхати» тобора кенгайиб бор-  
ди. Қурувчилик, ер ўзлаштирувчилик ишининг ҳамма  
соҳа мутахассисларидан зарбдор отряд ҳосил бўлган  
куни у рухсат сўраб область партия комитетига кирди.  
У ерда бу олижаноб мақсадни, дарҳол уни ва унинг ше-  
рикларини қўллаб-қувватлаб, уларга оқ йўл тиладилар.

Шундай қилиб, Янгиерда тузилган биринчи колонна  
1975 йилнинг 2 январь куни Иваново тупроғида 33 ки-  
шилик биринчи десант туширди. Ивановоликлар қучоқ  
очиб кутиб, меҳрибонлик, ғамхўрлик ила қуршаб олди-  
лар уларни.

Шукур Муҳаммадиев бу ерга келганидан, шу тари-  
хий жойларни ўз кўзи билан кўраётганидан бениҳоят  
мамнун. Айниқса ноқоратупроқ ерларида хизмат қилиш  
орзусига эришганидан шод ва хуррам.

Ўзи қишлоқ боласи бўлгани, умри қишлоқда ўтиб, ер  
ишларига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлгани учун партия-  
мизнинг аграр сиёсатини ўрганиш унинг сеvimли иши  
бўлди.

Бу ҳақда фан кандидати унвони учун диссертация  
ёза бошлаган Муҳаммадиев Ивановодаги қайноқ ишла-  
ри орасида ҳам уни тўхтатгани йўқ.

Иваново областида ҳамшаҳарларимиз юзини очган  
ерларнинг тупроғи дафъатан хиёл қизғиш бўлиб кўзга  
ташланди-да, кул ранг бўлиб кўринди. Ҳа, кул ранг!...  
Маълумки «қоратупроқ» ерларнинг таркибида торф қо-  
ришмаси мавжуд. Ўз ўғити ўзи билан! Шунинг учун  
бу тупроқ унумдор, серҳосил экинзордир. Россиянинг қо-  
ратупроқ зонасига кирмаган жанубий ерлари эса бал-

чиқроқ, елимсифат ерлардир. Уни маҳаллий одамларнинг ўзлари «супеси», «подзоль I» деб атайдилар. Унинг таркиби камбағал бўлганидан меҳнати кўпу, унуми оздир. Қимнинг ҳам кўп меҳнат қилиб оз даромад олгиси келади. Экинлар фақат аҳолининг қўли етадиган жойларга экилган. Катта-катта майдонлар ёввойи ўтлар, чакалакзорлар макони бўлиб, захлаб, бағридаги кўри ўчиб кул бўлиб қолган.

Табиат ана шу кулранг тупроқ остига беҳисоб бойлик яшириб қўйибди. Бу бойлик шундоққина оёқ остида, ернинг бир қаричлик юзасида турибди. Совет кишилари, шу жумладан бизнинг ҳамшаҳарларимиз ҳам, ўша кўмилмани юзага чиқармоқдалар.

— «Арсенал» колхозида бир куни шундай ажиб ҳодиса юз берди,— дейди Муҳаммадиев.— Захи қочирилиб, суғориш учун ер ости иншооти қуриб, ери ҳайдалиб, экинга тайёр қилиб қўйилган майдон серқатнов бўлиб қолди. Қарасам, одамлар у ернинг тупроғини челақда, қопда, ҳатто қудратли Киров тракторининг прицепларига ортиб кетяпти. Нима учун? Чунки ҳозиргача назардан ташқаридаги бу кулранг тупроқ тозалангандан кейин қоратупроқдай яхши ер бўлиб қолган. Аҳоли уни томорқасига солишга ташимоқда эди.

Ҳамшаҳарларимнинг жойлардаги ишларини ўз кўзим билан кўриш учун трест бошлиғи Георгий Павловичнинг ҳамроҳлигида йўлга чиқдим.

Емғир савалаб ўтгани учун асфальт ойнадай ярқираб турибди, узоқдаги асфальт бети баъзан лиммо-лим оқаётган анҳор сувини эслатарди. Атрофдаги ўрмонлар қорайиб кўринар, баъзан булут босган тоғ қирларига ўхшаб кетарди. Ўрмонлар Иваново областининг энг катта бойлиги. Унинг ёғочи дунё бозорида олтинга тенг, ундан ясалган буюмларнинг қадри-қиммати бебаҳо!

Йўл бўйи Георгий Павлович Иваново областининг яна бир бойлиги, унинг келажаги — ноқоратупроқли ерлари ҳақида гапириб кетди.

— Бу ерлар ишга тушиб ҳосил бера бошласа эл дастурхони тўкин-сочин бўлади,— дейди у яқин келажакни ўйлаб.

Яқин келажакка хизмат қиладиган ноқоратупроқ ерлар йўлнинг икки томонидан ҳам бепоеън ястаниб, захда эзилиб, ёввойи ўтларга кўмилиб, балчиққа ботиб армонда ётарди. Мўл-кўлчиликнинг қанчадан-қанча резерви

бу ерлар. Ана шу ботқоқлик гирдобиди, бутазорлар чангалида димиқиб, пўпанак босиб ётган асрий ерлар энди ғафлат уйқусидан уйғотиб юборилди. Уни кучли гидро-мелиорация техникаси ҳайқирғи, мелиораторлар қўшиғи уйғотди. Бу умумхалқ марши орасида ҳамшаҳарларимизнинг ҳам ўзига хос овози янграмоқда. Бу овоз Шуяга киришдаёқ баралла эшитилиб турарди.

\*  
\*   \*  
\*

Минг уч юз эллагинчи йили тикланган, қадимги рус туқимачилиги марказларидан бири ҳисобланган Шуя шаҳри ва унинг атрофида ҳам ўзбек ёшларининг шўх овози эшитилиб турибди. Шаҳарнинг жанубий қирғоғида эндигина созланган тупроқ йўлдан борардик. Қулоғимизга олис-олисдан ўзбек куйларининг садоси чалинди. Яқинлашган сари гоҳ йигитлар хиргойиси, гоҳ қизлар яллеси янгради. Бу қўшиқлар бетон девор билан қуршалган қўрғон ичидан гоҳ завқланиб, гоҳ пасайиб эшитиларди.

Ўзбекистонлик қурувчиларнинг механизациялашган олтинчи кўчма колоннаси жойлашган бу қўрғон майдончаларида олиб борилаётган ишлар озмунча эмасди. Бу ерда бирданига беш-олти хил иш бажариларди. Темир-бетон асбоблари заводи қурилмоқда, ер заҳини қуритиш техникаси ишга шайланмоқда, сув чиқариш ускуналари жиҳозланмоқда. Боринги, Шуяда ва унинг атрофида бекор ётган ерларни экинзор қилиш, экинларни суғориш учун керак бўлган комплекс ишлар қилинмоқда.

Бош инженер Ўткир Раҳмоновни темир-бетон асбоблари заводи қурилишининг полигонидида учратдик. У тажанг, нимадандир норози, нимадандир хафа кўринарди.

— Нима гап?— деб сўради Георгий Павлович, «Ивановоирсовхозстрой» трести бошлиғи ундан.

— Нима гап бўларди, ҳамон эски касаллик,— деди Раҳмонов.

Бу «эски касаллик»нинг туғилганига ҳам олти ой тўлгани йўқ. Мелиорация ишларининг саноат базаси бўлиб хизмат қиладиган бу завод қурилиши шу йилнинг январь ойидан бошланиб июнь ойида тамомланиши ва шу йилнинг ўзида мелиораторларга маҳсулот бериши керак эди.

— Серёгин бўлган Иваново шароитида қурилиш мавсуми жуда оз, ер ишлари мавсуми ундан ҳам оз,— дейди Раҳмонов.— Ҳар бир кун ва соат ғанимат. Шу сабабдан ҳеч ким шахсий вақти билан ҳисоблашмайди, мавсумни ўтказиб юборгиси келмайди. Лекин темирйўлчиларимиз қурилиш материалларини ташиб келишда тифиз шароит билан ҳисоблашмаяптилар.

Бу завод қурилишига темир конструкциялар Чиноз, Оҳангарон, Жиззах заводларидан келиши керак. Раҳмоновнинг қўлидаги телеграммаларда «юбордик», «жўнатилди», «палон куни вагонга жойланди» деган телеграммалар қат-қат. Аммо уларнинг кўпидан дарак йўқ. Нега? Маълум бўлишича, темир йўлчилар Шуя станциясида Ўзбекистондан жўнатилган вагонларни қаердадир тўпиқларда тўплаб, улар катта составни ташкил қилгандагина жўнатар эканлар. Бу ерда иш тўхтаб, одамлар жиғибийрон бўлиши билан уларнинг сариқ чақалик иши йўқ. Ўткир Раҳмоновнинг таъбини тирриқ қилган кўнгилсиз ҳодиса ана шу эди.

Ўткир Раҳмонов азалдан жонкуяр одам. Унинг ёшлиги Тошкентда ўтган, бошланғич таҳсилни ҳам, олий таълимни ҳам Ўзбекистон пойтахтида олган. Аммо хизматни узоқ жойда — Қарши чўлида бошлади. Унинг асл мақсади ҳам шундай эди. Темир йўл инженерлари институтини битираётганда ундан «Қаерда ишламоқчисан!» деб сўрадилар. Тақсимот комиссиясининг бу саволига у қатъий қилиб «Чўлда!» деб жавоб берди.

«Темирйўлчи чўлга бормоқчи...» деб ҳайрон бўлдилар. Уша вақтда республикада ушлаштирилаётган чўллар озмунча эмас эди. Мирзачўл, Ёзёвон чўли, Қарши чўли, Жиззах чўли, Қорақалпоқ чўллари... Ўткир Раҳмоновнинг қўлида ана шу зарбдор фронтларнинг харитаси, схемаси ҳам бор эди. У ана шуларни комиссия столига қўйди. Раис Ўткиржонга табассум билан боқди-да «Шу чўлларнинг қайси бирига йўлланма берайлик?» деди. Унинг бундан бошқа иложи йўқ эди. Ўткир Раҳмонов аввалдан ўйлаб дилига жо қилиб юрган мақсадни айтди: «Фақат Қарши чўлига!»

Уша вақтда Қарши чўлида янги, яна бир «пахта республикаси» яратилмоқда эди. Ўткирнинг нияти ана шу жойда янги оқ олтин базаси бунёд этаётган яратувчилар қаторида бўлиш, Ватанимизни момиққа бойитиш ишига хизмат қилишдай олижаноб ният эди. Бундай мақсад-

ни ким ҳам эътиборсиз қолдиради, дейсиз. Шундай қилиб у Қарши чўлларини ўзлаштирувчилар сафига қўшилиб олди.

Ҳозир Улянов районида гумбирлаб ишлаб турган ўн тўрттинчи совхознинг тарихи Уткир Раҳмонов номи билан чамбарчасдир. Бу совхознинг чегарасига ҳам, бўлажак марказий шаҳарчаси ўрнига ҳам биринчи қозикни шу киши қоққан ва унинг охириги икир-чикирларигача қўлдан чиқариб, ҳатто ўзлаштирилган ерлардан биринчи ҳосилни йиғиб олиб, «Мана энди бу ёғи сизларга, қолган жойидан давом эттираверинглар!» деб тайёр совхозни унинг хўжайинларига—пахтакорларга топширди-да, ўз юртидан яна олисроққа, янги қўриқ очишга жўнади.

Қаршида чўл қувлаб, қақраган ерларга Амударё суви чиқарган инженер Раҳмонов бу ерда у жойдаги ишларнинг аксини қилмоқда. Ернинг сувини қочиряпти, Иваново области шароитида Раҳмоновдай ўзга иқлим одамига бу ишларнинг ўзига хос жумбоқлари, қийинчиликлари кўп учради. Аввало ботқоқликларнинг сирини билиш керак эди. Сири шундаки, юзи чимматдай кўринса-да, баъзи жойларда ботқоқ одам тугул техникани ютиб кетиши ҳам турган гап. Айтишларига қараганда, бизнинг қурувчилар мелиоратив ишлар олиб бораётган ерларнинг бирида бутун бошлиқ бутхона балчиқ остига кириб кетганини кўрган одамлар бор эмиш.

Уткир Раҳмонов миш-мишларни ҳам ҳисобга олмай иложи йўқ эди. У аввало иш жойларини айланиб чиқди. Машинада эмас, пиёда... Ана ўшанда дебочасига дуч келди. Йўл йўқ эди. Резинка этик кийиб, тизза бўйи балчиқ кечиб, баъзан белигача лойга ботиб бўлса-да, танишишни давом эттирди.

Унинг учун энг қийини одам оёғи бормаган бутазорларни ер қилиш бўлди. Муҳими шундаки, бу ишлар мелиораторлар тили билан «маданий-техник комплекс ишлари» деб аталса-да, ҳар бир бутани, ҳар бир дарахтни ўз юртида, ўзи ишлаган чўлларда тўтиё деб ҳисоблаган Уткир Раҳмонов учун ёш-ёш буталарни қириб битириш, навқирон дарахтларни томири билан кучириб ташлаш ғоят эриш кўринди. Гўё жиноятдай туюлди. Қани энди шу бутазорлар, шу дарахтзорлар унинг чўлларида бўлса... уларни авайлаб ўстирарди, суғорарди, парвариш қиларди. Одамлар уларнинг соясидан баҳраманд бўлар-

дилар, бу ерда эса, у, дарахтсевар Раҳмонов буталарни, дарахтларни аёвсиз қириб ташламоқда. Нима қилсин, эҳтиёж шунақа!

Раҳмонов ўз ҳамшаҳарлари, ҳамқишлоқлари бўлмиш тракторчилар, экскаваторчиларни тўплади-да, ана шундай бутазорларнинг бирини қўпориб ташлашга буюрди. Бутазор эндигина қанот ёзиб кўкка интилмоқда эди. Улар ноилож, қовурғалари қайишиб, ичлари ачишиб бўлса ҳамки, буйруқни бажаришга мажбур бўлдилар. Кучли тракторлар ҳайқириб майдонга тушди. Кетидан бульдозерлар ўрмалади. Сўнгра экскаваторлар зовур қазиди.

Ўткир Раҳмоновнинг бу ердаги иш усули шундаки, у ҳамма жараёни бир йўла қилади. Дарахтларнинг тирноқча томирини ерда қолдирмай тозалаб, ернинг сувини зовурга ҳайдагач, суви қочган ерга трактор солади, шудгор қилади, ҳатто экин экиб бир йилги ҳосилни ҳам ўз кучлари билан йиғиб оладилар.

Кечаги балчиқли бутазор ўрнида карам кўкарганини кўрган Раҳмонов ва унинг механизаторлари, кечагина ниҳолларни қириб, қилган «ваҳшийликлари»ни упутадилар. Бундай воқеалар олтинчи «ПМК» механизаторлари ҳаётида кўп учради ва яна учрайди. Чунки улар бирданга тўрт районда минг-минг гектар ерни тозалаши, унинг сувини қочириши керак.

Ноқоратупроқ деб аталмиш Иваново ерлари захкашроқ ерлардир. Унинг намлиги меъёридан анча ортиқ. Бунинг устига серёмғир иқлим экин ривожига, ҳосилга ҳамиша зарар бериб туради. Аммо, Раҳмоновнинг айтишича, ердаги ортиқча сув бизнинг Мирзачўл ерларидагидек шўр сув эмас. Уни қайтариб экинга оқизиш, ҳатто тозалаб ичиш ҳам мумкин.

Шу туфайли Раҳмоновнинг йигитлари ер остидан қочирилган сувларни яна қайтариб экинзорларни суғориш хизматига солиб юбормоқдалар.

— Зах ерларнинг ер ости сувини қуритишда Мирзачўл тажрибасини қўллаймиз,— дейди Раҳмонов.— Қўлланганда ҳам шу жойларнинг шаронтига мослаб унга ижодий ёндашмоқдамиз.

Ер захини қуритишда мирзачўлликлар кўп изланишлар натижасида ёпиқ дренажни топдилар. Ёпиқ дренаж ноқоратупроқ ерларга ҳам жуда мос тушди. Аммо ер билан ерда фарқ бор. Мирзачўл ери қишда музламайди,

музлаганда ҳам фақат устки қавати музлайди. Бу ерда эса ўтган қишда ер бир ярим метр чуқурлик қатламигача музлади. Бу шароит ўзига алоҳида эътибор талаб қилади. Шу сабабдан сопол қувурларни ўрнатиш схемаси ҳам ўзгарди, техникани ишлатиш тактикаси ҳам ўзгарди.

Қарши чўлида сув учун курашиб ўрганган одамга бу ерда сувга қарши курашиш ҳам янги ҳунар эди. Бунинг устига об-ҳаво шароити қўшимча машаққат туғдиради. Иваново осмонида ҳаминша булутлар гўё навбатда тургандай ёзда ҳам шаҳар ва қишлоқлар устида ҳозир нозир юради. «Июнда ҳам ёмғир ёлмаган кун бўлмайди,— дейди Раҳмонов.— Лой ичида ёпиқ дренаж ўрнат-япмиз».

Раҳмоновнинг механизаторлари «Арсенал» колхози ерларида аввалдан тайёрланган лойиҳа схемаси билан иш бошладилар. Ҳар бир қариш ер ҳисобда, ҳар қатра ортиқча сув тахминлаб олинган. Шунинг учун Раҳмонов ҳар йигирма метр оралиқда биттадан трактор қўйди-да, бир текисда ўқариқлар тортишни буюрди. Тракторлар бир маромда, ошиқмай тариллаб борарди. Ер лой, плугларни тобора чуқурликка тортади, уни судраш эллик, етмиш беш от кучига ҳам оғир, қанча оғир бўлмасин, тракторлар ҳайқириб чиқариб олга силжийди, кетида қолдирилган қисқа сопол қувурчалар ер ости сувини шимиб, оқовасини коллекторга ташлаш хизматини ўтайди. Зах сув шимийдиган мосламаларни ўрнатиш ҳам жуда нозик, майда ва машаққатли иш бўлганидан уни қўлда бажармоқдалар.

— Натижаси жуда яхши!— дейди Раҳмонов.— «Арсенал» колхозида ёпиқ дренаж ўтказилган ерларнинг ҳосили бир йилда икки барабар юқори бўлди... Шунинг учун бўлса керак, бизга бу хил буюртмалар тобора кўпаймоқда. Бу йил олтинчи колоннанинг бир ўзи бир ярим минг гектар ер остидан ёпиқ дренаж ўтказадиган бўлди. Бу ҳазилакам иш эмас!

Ўткир Раҳмонов ва унинг одамлари ноқоратупроқ ерлардан нам қочирини билан бир вақтда шу ерларни суғориш иншоотларини ҳам қурмоқдалар.

Экинларни суғориш учун далаларга сув чиқариш усули ҳам Раҳмонов учун ўзгача эди. У Қарши чўли ерларига сувни лотокларда — бетон ариқларда келтириб, ғўзаларни ўқариг-у, эгатлар орқали томиридан су-

ғорса, бу ерда экинларни тепадан, сунъий ёмғир билан суғориши керак.

Бу муаммоларнинг ҳам йўли топилди, аммо бу йўллар ҳар хил эди, биринчи йўли мавжуд ариқлардан экин майдонига қувурлар орқали сув бошлаб келиш бўлса, иккинчи йўли майдонларнинг ўзида қудуқлар кавлаб, қудуқ сувини қувурга оқизишдан иборат эди. Раҳмонов ўз одамлари билан бу иккала усулни ҳам баб-баравар амалга оширишга қарор қилди. Кичик-кичик ариқларга «Андижанка» насослари ўрнатилди. Насосларга ариқ сувини ер ости қувурларига ҳайдаб бериш вазифаси юкланган. Бевосита суғориш ишлари «Фрегат», «Волжанка» аппаратларига топширилган.

Бу муаммоларнинг ҳам йўли топилди, аммо бу йўл ёмғирга муҳтож бўлгани йўқ, шу сабабдан бу асбоблар ҳозирча куч ғамлаб мелиораторлар буйруғини кутиб турибди. Бу соҳада ўзбек мелиораторларининг мақсади катта. Шу йилнинг ўзида 2240 гектар балчиқ ернинг захи қочирилади. 630 гектар ердаги экинзорларга ер остидан сув келтирилиб, сунъий ёмғир орқали суғорилади.

Қурилиш ишлари режалари ундан ҳам катта.

Ўзбекистонлик дўстларнинг ивановолик биродарларига энг катта тортиғи ноқоратупроқ ерларда икки намунавий совхоз қуриб беришдан иборатдир. Унинг бирига ивановолик биродарларимизнинг ўзлари «Ўзбекистон» деб ном қўйиб бердилар. Иккинчисини эса Ўзбекистон қурувчилари «Дўстлик» деб атадилар.

«Ўзбекистон» совхози Фурманов районида «Олтин халқа» деб ном олган, қадимий рус шаҳарларини бири-бирига уловчи саёҳат йўлининг соҳилида кўзга кўринарли, ўрмонлар қуршаган, хуш табиатли ажиб хушманзара бир жойда бунёд этилмоқда.

Мен бу ерга келган куни жала қўймоқда эди. Ёмғир сели ерни хамир, дала йўлини зовур қилиб қўйганди. Кучли тракторлар, қудратли скреперлар ҳам қаърига тортаётган лой ичида зўрба-зўр ғимирларди. Бир илож қилиб не-не уқубатда совхоз қурилиши майдонида вагончалар лагерига бориб олдик.

Вагончалардан квадрат шаклида қўрғонча қурилиб қурувчилар яшайдиган шаҳарча ҳосил қилибдилар. Ҳар бир вагон — мустақил уй. Уларга қурувчиларнинг ўзлари ўз қўллари билан қошу кўз қўйиб, яъни ёнига айвон, эшигига соябон қилиб олганлар. Вагончалар ташқари-

дан бир хил кўрингани билан ичкараси турлича. Бўйдоқларники бесаранжомроқ, оилавий ишчилар яшайдиганлари шаҳар квартирасидан фарқ қилмайди. Икки вагончадан гўдакларнинг овози чиқяпти.

— Бу ерга келганимиздан бери уч оила болалик бўлди,— дейди ПМК бошлиғи А. С. Чугреев,— болалар тобора кўпаймоқда. Шунинг учун вагон-шаҳарчада болалар учун майдонча қуряпмиз.

Болалар учун қурилаётган жой шунчаки бир хонаки, қўл-бола майдонча бўлса ҳам вагон-шаҳарча аҳолиси ундан беҳад шод. Чунки болалар ҳар ҳолда қурилиш техникасидан нарида, мураббия қучоғида ўйнайдилар. Ахир уларнинг Қарши чулида ўз ясли ва боғчалари бор эди. Болалар ўша жойларини қўмсамоқдалар.

Вагон-шаҳарча бўлса ҳамки, ундаги аҳолининг интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондиришни шарт деб билган ўртоқлар бу ерда «қўлбола» клуб, қироатхона, хонаки медпункт ясабдилар.

— Вагон-ошхонамиз яхши-ку, лекин палов пишириб бўлмайди,— дейди ошпаз қиз Маҳфуза—Тошкентга катта қозон буюрдик. Қелиб қолса бостирма тагида ёғлиқ палов дамлаймиз.

— Сабзи-пиёз ҳам Тошкентдан ўз вақтида келяпти,— деб қўшимча қилди унинг ёрдамчиси.

— Чинакам оталиқ деб мана шуни айтса бўлади,— дейди Чугреев унга қўшимча қилиб.— Тасанно!

\*  
\*   \*  
\*

Тўгрисини айтганда, асосий ишларнинг лойиҳаси ҳамон кечикмоқда эди, бинобарин қурувчиларимиз вақтдан ютқизмоқда эдилар.

«Вақтдан ютқазганимизни тез суръат ва шиддатли меҳнат билан чиқариб олишимиз керак!» деди колонна бошлиғи Қудратов қидирувчиларнинг ҳузурига бориб, уларга шу кунги зарурат ҳақида гапираркан.

Турли мутахассис эгалари бўлган бу одамлар «Средазгипроводхлопок» институтига тобе эдилар. Улар тузилажак «Ўзбекистон» совхозининг бўлажак хўжалиги ва деҳқончилиги учун ажратилган ерларни ўрганиб чиқиши ва унинг «ижтимоий аҳволи» ҳақида лойиҳачиларга тўла маълумот йиғиб беришлари керак эди. Бир сўз би-

лан айтганда Қудратовчилар бу ерда қиладиган асосий ишнинг бошланиши мана шу қидирувчиларнинг қўлига қарам бўлиб, ҳамма уларнинг оғзига тикилиб турарди.

Қидирувчилар Тошкент шаҳар номер, тамғаларини осган ўз техникаси, ўз асбоб-ускуналари билан келиб, Волга бўйидаги Плес шаҳарчасининг қадимги торгина кўчасида жойлашганди. Уларнинг штаби ўрнашган беш деворли ёғоч уйнинг деразаларидан азим дарё ва унда сузаётган оппоқ пассажир лайнерлари, тез сузар «ракета» ва «метеор» кемалари суқсирлардай учиб ўтар, улар қўзғаган купикларга чўмилиб эринчоқ шатакли баржалар сузарди.

Бутун умри Урта Осиё шароитида, ҳамма иши чўл, қўриқларда, жазирама офтоб тиғида ўтган бу қидирувчилар бундай манзарани улуғ рус рассоми Левитаннинг бебаҳо полотноларидангина билар эдилар, эндиликда улар бу ажойиб рус табиатини ўз кўзлари билан кўриб, сира таққослаб бўлмайдиган гўзалликдан лаззатланар эдилар. Айниқса буюк рус дарёси Волганинг бежирим, исёнсиз жим-жима оққан лиммолим суви ҳаммани, шу жумладан қидирувчилар бошлиғи Ҳасановни ўзига ром қилиб қўйганди. Ҳасанов бу ерга келган куниданоқ шу мусаффо Волга сувини бўлажак «Ўзбекистон»нинг яратилажак бўстониغا оқизиш ҳақида ўйларди.

Ахир Фурманов районида ажратилган ярим минг гектар суғориладиган ер унинг қўлига қараб турибди. Бўлажак совхознинг аҳолисига ҳам тиниқ ичимли сув керак.

Вақт зиқ. Вақт уни ҳам шошириб қўйганди.

Бу ерларга сувни янги магистрал билан эмас, эски, Волга—Уводь канали орқали олиб бориш лозим топилганди. Ҳасанов бу канални келган кунининг эртасигаёқ ўрганишга киришди. Афсуски, канал қаровсизликдан лойланиб, бегона ўсимликларга қопланиб, бақа тўни кийиб ётарди. Ҳасанов ўз тажрибасида жуда кўп канал ва ариқларни текширган, лекин ҳеч қаерда бундай қаровсизликни кўрмаганди.

«Шунчалар ҳам бепарволик бўладими? Бундай ҳаётий, қимматбаҳо иншоотни шу ҳолга солиб қўйиш гуноҳ-ку. Ахир бу каналдан Иваново аҳолиси ҳам сув ичди-ку».

Унинг назоратидан ўтган Ўзбекистон каналлари ва ариқларида битта ҳам ёввойи гиёҳ йўқ эди. Чунки у

ариқ ва каналларда махсус балиқ урчитилган. Ариқ, каналларни ёввойи ўтдан, ифлосланишдан тозалаб турадиган санитарлар ана ўшалардир. Балиқ урчитиш қийин бўлса, кимёвий усул ҳам қўл келарди-ку!

Ҳасанов сув йўлларини ўрганаркан, лойиҳачиларга ана шу ачиқ ҳақиқат материалларини тўплаш билан бирга, «Ўзбекистон»ликларнинг об-ҳаёти қандай бўлиши бунинг учун нималар қилиниши лозим экани ҳақида ўз мулоҳазаларини батафсил ёзиб берди.

Тупроқшунос Турғунов ер томирини ўлчовчи, унинг феъли атворини текшириб билувчи мутахассис ҳисобланади. У Иваново ерларининг томирини ўлчаб, ҳолатини аниқлар экан, кўп жумбоқларга дуч келди. Ерлар ноте-кис, гоҳ ботқоқ, гоҳ қурғоқ, гоҳ тошлоқ, гоҳ қумлоқ, гоҳ торфли майдонлар учраб турарди. Уларни ўзлаштириш, яхлит экинзор яратиш жуда катта куч, ундан ҳам кўп маблағ талаб қиларди.

Турғуновнинг ҳисобига қараганда, яхши экинзор ерлар ҳам жуда кўп эди, аммо минг афсусларки, бу ерлардан фойдаланишда катта хўжасизлик ҳоким эди.

Экинзор ерларнинг ўртасигина ҳайдалар, чеккаларини ўт босиб, ҳашорат урчиб ётарди. «Эсизгина ерлар, уволгина ерлар,— дер эди Турғунов ич ичидан ачиниб.— Қани, шу ерлар Ўзбекистонда бўлсайди қилча жойи ҳам олтиндай ярқираб кетарди!»

Текширишдан ўтадиган чегаранинг майдони торфхона бўлиб, ёқилғиси олинган икки юз эллик гектар тайёр ер ишлатилмай бекор ётарди. «Бизда «бекорчи гектар»лар йўқ!— деди у маҳаллий одамларнинг бирини учратиб.— Торфли ерларда экин яхши ўсади. Сизларда «бекорчи» ер шундоқ кўпки, улар ишга тушса, дунёни нон билан боқса бўлади».

Умуман, Ҳасанов харитада ажратиб, топографлар белгилаб берган ерларни у бошидан бу бошигача неча бор пиёда кезиб чиқди-да, ер томиридан олган минглаб «қон» пробаларини Тошкент лабораторияларига юборди, илмий текширишлардан ўтган пробаларнинг жавоби эса уни, тупроқшунос Ҳасановни жуда-жуда шод қилди.

— «Ўзбекистон» ерлари Иваново областида энг ҳосилдор ерлар бўлишига ишонаман!— деди у Қудратовга рапорт бериб.

Қидирувчиларнинг ишлари маромига етиб, ҳамма тадқиқотлар аниқлангач, Қудратов, бўлажак совхоз-

нинг янги тайин қилинган директори Алексей Василь-  
Алексей Васильевич шу ерларни тасарруф қилиб тур-  
евич Кучинга йўлиқди.

ган колхозга раис бўлиб, у ўттизта хуторга «хўжайин»  
эди. Унинг айтишича хуторларда яшовчи деҳқонлар  
қўшни хуторда яшовчиларни олти ойлаб кўраолмасди-  
лар. Йўл йўқ. Бричкалар ҳам қишда, қор босиб ер муз-  
лаганидагина қатнарди. Ёшларнинг асосий транспор-  
ти—велосипед эди. Баҳор ва кузда шаҳарга бормоқчи  
бўлган ёш-яланг катта йўлга чиққунча велосипедини ел-  
касида кўтариб бориб, қайтишда ҳам кўтариб келарди.  
Шу сабабдан Қудратовнинг янги совхоз қурилиши ҳа-  
қидаги фикрини, намунавий совхоз маркази, унинг бў-  
лимлари қурилишига оид лойиҳа-мулоҳазаларни баён  
қилди-да, уни бу ҳақда мунозарага чақирди.

Алексей Васильевич биродарона кўмак учун миннат-  
дорчилик билдиришдан нарига ўтмади.

— «Ўзбекистон» совхозининг ерлари Ўзбекистон ер-  
ларидай ҳосилдор бўлиши ва бир қаричи ҳам «бекорчи»  
бўлмаслиги керак,— деди у, тупроқшунос Ҳасановнинг  
гапини такрорлаб,— сизда «бекорчи гектарлар» кўп  
экан, бутун дунёни боқса боққудай майдонлар хароб  
бўлиб ётаркан.

— Ноилож эдик-да... Кучимиз етмас эди-да,— деб  
жавоб қилди Алексей Васильевич.— Ёшлар эс топиши  
ҳамон шаҳарга кетиб қолади. Омоч бўйинтуруқ менга  
ўхшаш чол-кампира елкасида эди.

— Ҳосилдорлик ҳам жуда кам экан...

— Камликка кам,— деди Алексей Васильевич унинг  
фикрига қўшилиб.— Бўш қоп сира тик бўлмас экан. Ер-  
ларимиз тўйиб ўғит емайди. Ўғитни ҳаммаси қайтими  
келадиган жойларга—Қоратупроққа, энг кўпи пахтакор-  
ларга юборилади. Ноқоратупроқ ўғайроқ зона эди-да.  
Шунисига ҳам шукурки, бизнинг кўчаларга ҳам байрам  
келяпти.

— Тўғри айтасиз, Алексей Васильевич,— деди Қуд-  
ратов ҳам суҳбатдошининг фикрига қўшилиб.— Давла-  
тимизнинг қўли калтароқ эди. Давлат қўриқ ва бўз му-  
аммолари билан банд эди. Мана энди навбат ноқоратуп-  
роққа келди...

— Келганда қандоқ! Бир йўла катта тажриба, зўр  
қудрат билан келди. Совхозимиз посёлкалари сиз айтган  
даражада ўта замонавий қилиб қурилса, ўйлайманки,

хуторларимизни ташлаб шаҳарларга кетган ёшлар ҳам қишлоққа қайтиб келади, шаҳарни мўлжаллаб турган ўсмирлар ҳам ўтроқ бўлиб қолади. Бу ердаги ҳаёт ҳам шаҳар ҳаётидай, меҳнати ҳам саноат меҳнатидай бўлар экан-ку. Деҳқоннинг аини муддаоси шу эди-да!

Қудратов қидирувчиларнинг ҳамма материалларини жамлаб, лойиҳачилар отрядининг бошлиғи Шариповага топширар экан, унга буюрди:

— Деҳқонларнинг орзуси, аини муддаосидай қилиб лойиҳа тузинглар!

Шарипова бошлиқ юзлаб инженерлар кечани-кеча, кундузни кундуз демай, ҳатто дам олиш кунлари, баъзан байрамларда ҳам лойиҳа ҳужжатлари устида ишладилар.

Ниҳоят биринчи вариант тайёр бўлди, у лойиҳачиларнинг ўзларига ёқмади. «Жуда қиммат!» дедилар иқтисодчилар. «Ҳашаматли, ортиқчаликлар билан тўлиб-тошиб ётибди», деди архитекторлар. «Маҳаллий қурилиш материаллари ҳисобга олинмаган», деди қурувчилар. Шундай қилиб у вариант маҳаллий ҳокимиятга етиб бормай туриб рад этилди.

Иккинчи вариантни эса, маҳаллий ҳокимият хуш кўрмади. Унда ер ишлари кўнгилдагидек ҳал қилинган бўлса ҳам, совхоз марказий шаҳарчаси, ишчилар яшайдиган уй-жойлар шаҳардагидек икки қаторли, котедж шаклида эди. Қурилиш материаллари ҳам маҳаллий қизил ғишт, ёғоч-тахта, черипицага таянган эди. «Бизга ўз тажрибаларингиз намунаси ёқади. Мармар тошли иморатларни ҳавас қиламиз», дедилар.

Учинчи вариантда Янгиер тажрибаси, Мирзачўлнинг дастлабки совхозларида қурилган бинолар тахлитида Россия шароитига мосланган, совуққа чидамли, йирик панелли уйлар, рус-ўзбек орнаментига асосланган нақшли бинолар, икки томони гулзор кенг кўчалар ўртасида В. И. Ленин ҳайкали қад кўтарган майдон...

Бу лойиҳа маҳаллий ўртоқларга маъқул тушса-да, Қудратов ва унинг мутахассисларига ёқмади. Нега? Чунки Мирзачўлда дастлаб совхоз ишчиларига қурилган бу хилдаги уйлар деҳқонни қониқтирмади. Номини совхоз ишчиси бўлгани билан бари бир у деҳқончилик қилади. Унинг моли, қўй-қўзиси, товуғи бўлиши турган гап. Совхоз деҳқони чорвасини, товуғини қаерда сақлайди?